



« 31 » декабр 2015й.

Наманган шаҳри 403 -сонли

**Наманган вилоятида 2016 йилда давлат кўчмас мулкидан
фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини
тасдиқлаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан 2015 йил 23 декабрда келишилган Наманган вилоятида 2016 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят “Давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Абдуллаев)га қисқа муддатда вилоятдаги давлат тасарруфида бўлган кўчмас мулк объектларини ижарага бериш юзасидан аввал тузилган ижара шартномаларига мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига ҳудудлардаги давлат ташкилотлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда балансарида бўлган, фойдаланилмай бўш турган давлат мулклардан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш юзасидан вилоят “Давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига доимий таклиф ва маълумотлар киритиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлигининг матбуот ва ахборот бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарига Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасининг таклифлари асосида вилоятдаги бўш турган, ижарага бериладиган давлат тасарруфидаги объектлар рўйхатини оммавий ахборот воситалари орқали бепул ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Наманган вилояти ҳокимининг 2014 йил 30 декабрдаги 373-сонли қарорининг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайиталиев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Наманган вилоятида 2016 йилда давлат қўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари

№	Фаолият тури кодлари	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2016 йилга ижара ставкаси (сўм)
Саоат			
1	11 200	Ёнилги саоати	3 500
2	13 100	Кимё саоати	3 500
3	13 300	Нефть-кимё саоати	3 500
4	14 100	Машинасозлик	3 500
5	14 200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саоати	3 500
6	14 300	Ҳисоблаш техникалари саоати	3 500
7	14 400	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	2 800
8	14 500	Қурилмиш, йўл қурилмиш ва коммунал хўжалиги машинасозлиги	2 800
9	14 600	Енгил ва озиқ-овқат саоати машинасозлиги ҳамда маншій анжомлар саоати	2 800
10	14 710	Санитар-технологик ва газ усқуналари ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш	3 500
11	14 800	Металл конструкциялари ва маҳсулотлар саоати	3 500
12	14 900	Машина ва жиҳозларни таъмирлаш	3 500
13	14 780	Машинасозликнинг бошқа соҳалари	3 500
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саоати			
14	15 100	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саоати	3 500
15	15 200	Ёғочни қайта ишлаш саоати	3 500
16	15 300	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саоати	3 500
17	16 100	Қурилмиш материаллари саоати	3 500
Енгил саоат			
18	17 100	Тўқимачилик саоати	3 500
19	17 200	Тикувчилик саоати *	3 500
20	17 300	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саоати	3 500
21	17 900	Енгил саоатнинг бошқа маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3 500
Озиқ-овқат саоати			
22	18 100	Озиқ-овқат саоати (балик, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	3 500
23	18 200	Гўшт ва сут маҳсулотлари саоати	3 500
24	18 300	Балик маҳсулотлари саоати	3 500
25	19 210	Тегирмончилик саоати	3 500
26	19 220	Комбикорм (омухта ем) саоати	2 800
27	19 700	Озиқ-овқат саоатнинг бошқа тармоқлари	3 500
Саоатнинг бошқа тармоқлари			
28	19 300	Тиббиёт саоати	3 500
29	19 400	Полнграфия саоати	9 900
30	19 740	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш*	4 200
31	19 900	Саоатни хўжалик бошқаруви	9 900
Қишлоқ хўжалиги			
32	21 100	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га ер майдони учун	1 411 200
33	21 200	Чорвачилик ва паррандачилик	1 700
34	21 300	Балиқчилик (шу жумладан балик етиштириш) 1 га ер майдони учун	1 411 200

№	Фаолият тури кодлари	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2016 йилга ижара ставкаси (сўм)
35	22 200	Ветеринария хизматлари	3 500
36	22 300	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	3 500
37	30 000	Ўрмоқ хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га ер майдони учун	1 411 200
Транспорт ва алоқа			
38	51 111	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	3 500
39	51 121	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари, гаражлар, автомобиллар ювиш жойлари)	3 500
40	51 121	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдончалари)	900
41	51 520	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	6 400
42	52 100	Почта алоқа тармоқлари	3 500
43	52 200	Курьерлик алоқа тармоқлари	7 000
44	52 300	Электр тармоқ алоқаси	7 000
45	52 300	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқа хизматлари (техник майдонлар ва нишоотларини ҳисобга олган ҳолда торткичлар приметрлари бўйича)	29 600
Қурилиш			
46	60 000	Қурилиш	3 500
47	66 000	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	3 500
Савдо ва умумий овқатланиш			
48	71 100	Улуржи савдо	9 900
49	71 130	Маҳсулотлари (хизматлари) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорлари	25 400
50	71 200	Чақана савдо	9 900
51	71 300	Умумий овқатланиш *	9 900
52	71 200	Китоб дўконлари *	1 400
53	71 400	Мадааний-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини прокатга бериш	9 860
54	71 500	Халқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-харид бўйича даллолик хизматлари	15 500
55	80 000	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш (сбыт)	9 900
56	82 000	Маълумот-ҳисоблаш хизматлари	9 900
57	82 100	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш	9 900
58	83 000	Кўчмас мулклар билан муомала қилиш	9 900
59	84 300	Реклама, кўргазмалар хизматлари	9 900
60	84 400	Аудиторлик фаолияти	9 900
61	84 500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатлар	9 900
62	85 000	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	17 600
63	87 100	Таҳририят ва нашриётлар	5 600
64	87 300	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латга) маҳсулотларини тўплаш жойлари	5 600
65	90 100	Тураржой-коммунал хўжаликлари (ширкат объектлари)	5 600
66	90 220	Меҳмонхона хизматлари	11 300
67	90 300	Ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	5 600
68	90 300	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларини таъмирлаш	8 500
69	90 300	Ломбард	12 700
70	90 300	Хаммом	17 000
71		Сауна ва бассейнар	33 900
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот			
72	91 510	Соғлиқни сақлаш (тиббий хизмат)	7 000
73	91 600	Сайёҳлик ва дам олиш *	7 000
74	91 611	Мадааний кўнрақлар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	11 300
75	91 700	Жисмоний тарбия ва спорт *	3 500
76	71 212	Дорихоналар **, оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўқонлари	5 600

№	Фаолият тури кодлари	Ижарага бериладиган майдонларда фойдаланиш мақсадлари	1 кв. метр майдон учун 2016 йилга ижара ставкаси (сўм)
Маориф			
77	92 100	Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)*	5 600
78	92 200	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш *	4 900
79	92 310	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун) *	2 800
80		Таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш *	3 500
81	92 400	Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун)	2 800
82	93 000	Маданият ва санъат *	9 900
83	93 132	Кўрғазмалар	8 500
84	93 145	Мактабдан ташқари тарбия *	2 800
85	93 160	Маданият ва дам олиш боғлари *	7 000
86	93 170	Ботаника боғлари ва зоопарклар *	7 000
87	93 180	Телевидениялар ва радиоэшиттириш редакциялари	7 000
88	93 620	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	11 300
89	95 000	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	4 200
Молия-кредит фаолияти			
90	96 000	Молия, кредит (сугурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари), пенсия таъминоти	9 900
91	96 100	Банк фаолияти	9 900
Бошқа турдаги фаолиятлар			
92	96 200	Сугурта	9 900
93	97 800	Суд ва юридик хизматлар	8 500
94	97 820	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	8 500
95	98 000	Жамоатчилик бирлашмалари	2 800
96	80 200	Омборхоналар	9 900
97		Давлат ташкилотларига идора сифатида	4 200
98		Хусусий ташкилотларга идора сифатида	15 500
99		Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари	11 300
100		Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	11 300
101		Лабораториялар	7 000
102		Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	28 300
103		Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	15 500
104		Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шаҳобчалари *	13 500
105		Авиа кассалар (шу жумладан темирйўл, транспорт ва бошқалар)	15 500
106		Банкоматлари	141 300
107		Нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш	9 900

* Узоқ кишлоқ ва тоғли ҳудудлардаги давлат кўчмас мулкларидан фойдаланишда ижара тўловлари микдорлари 25 фозга камайтирилади. Узоқ кишлоқлар ва тоғли ҳудудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқланган.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилги № 07/10-41-сонли йиғилиш баёнининг 11-бандига мувофиқ мулк шаклидан қатъий назар кишлоқ врачлик пунктларида ташкил этиладиган дорихоналарга давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилги № 02/1-74-сонли топширигига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги савдо бошқармалари ёпик харбий шаҳарчалардаги, харбий қисм ва муассасаларидаги давлатга тегишли бўлган кўчмас мулкларни ижарага олган ҳолатларда ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Вилоят "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" ДУК директори

Д.Ботиров

А.Абдуллаев